

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизматига 2022 йилнинг 3 ой давомида келиб
тушган мурожаатлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларда келтирилган масалаларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан соҳага тааллуқли жами 535 та мурожаат келиб тушган (*2021 йил 3 ой давомида эса - 923 та, ўтган йилга нисбатан 42% тага камайган*).

Келиб тушган мурожаатларнинг:

- 362 таси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали;
- 73 таси — Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали;
- 14 таси — Бош прокуратуранинг виртуал қабулхонаси орқали;
- 2 таси — Бош вазир виртуал қабулхонаси орқали;
- 84 таси эса (*68 таси ёзма, 16 та оғзаки*) бевосита Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига келиб тушган.

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда:

- Тошкент шаҳридан - 170 та,
- Андижон вилоятидан - 16 та,
- Бухоро вилоятидан - 31 та,
- Жиззах вилоятидан - 18 та,
- Қашқадарё вилоятидан - 35 та,
- Навоий вилоятидан - 14 та,
- Наманган вилоятидан - 23 та,
- Самарқанд вилоятидан - 38 та,
- Сурхондарё вилоятидан - 21 та,
- Сирдарё вилоятидан - 16 та,
- Тошкент вилоятидан - 89 та,
- Фарғона вилоятидан - 27 та,
- Хоразм вилоятидан - 28 та,
- Қорақалпоғистон Республикасидан - 8 тадан мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатлар таснифи бўйича:

Республика аҳолиси ва соҳа ходимларининг мурожаатларида охирги йиллар давомида ўз долзарблигини йўқотмаган масалалар,

- раҳбар ходимларининг ҳатти-ҳаракатидан норозилик – 6,2%,
- меҳнат муносабатлари – 12,4% (*уш штавкасининг камлиги, ишдан ноқонуний бўшатишганлиги, меҳнат шартномасини ходим билан келишимдан ҳолда бекор қилинганлиги ва бошқа меҳнат низолари*),

- коронавирус билан боғлиқ муаммолар – 11,3% (компенсация тўлови, карантин даврида ишлагани учун қўшимча бериладиган тўловлар, карантин билан боғлиқ муаммолар) тўғрисидаги мурожаатлар,
- санитария-эпидемиологик осойишталик бўйича – 43,6%, (булар: санитария назорати билан боғлиқ, СанҚваМга риоя этилмалиги, юқумли касалликлар профилактикаси боғлиқ, ВГга эмлаш, бепул тиббий ёрдам),
- ходимларнинг (ёки раҳбарнинг) ҳатти-ҳаракати юзасидан – 8,7%,
- тиббий муассасаларнинг фаолиятдан норозилик – 4,5%,
- қўлланилган жарималардан норозилик тўғрисида – 1,3%,
- дезинфекция тадбирлари билан боғлиқ мурожаатлар -1,5%,
- бошқа масалалар – 10,4% (таклифлар, миннатдорчилик, сўровлар ва б.).

Ўрганиб чиқилган мурожаатларнинг 416 таси (78%) қаноатлантирилиб, ижобий ҳал этилган ёки ҳуқуқий маслаҳат берилган. 21,1%га умумий мазмундаги тушунтиришлар берилган. 3 та мурожаат эса ўрнатилган тартибда рад этилган ёки кўрмасдан қолдирилган.

2021-2022 йилларда 3 ой давомида келиб тушган мурожаатлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Ташкилот	2021	2022
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали	609	362
2	Вазирликнинг Ишонч телефони орқали	116	73
3	Бош прокуратуранинг Виртуал қабулхонаси орқали	79	14
4	Бош Вазир қабулхонаси орқали	2	2
5	Ёзма	61	68
6	Оғзаки	56	16
Жами		923	535